

ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТДА ИНСОНПАРВАРЛИК ПРИНЦИПИ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

Исмоилов Одилбек Темирпўлатович

Денов тумани 2-сон техникуми Умумтаълим фанлар кафедраси

Сурхондарё вилояти, Ўзбекистон

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21884649>

Жиноят-ҳуқуқий сиёсатда инсонпарварлик принципининг самарали амал қилиши унинг қонун матнида эълон қилинганлиги билангина белгиланмайди. Ушбу принципнинг реал аҳамияти жиноят содир этган шахсга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораси қай тарзда танлангани, қандай ижро этилгани ва мазкур таъсир шахснинг кейинги ҳуқ-атвори ҳамда жамият ҳавфсизлигига қандай натижа бергани билан боғлиқ. Шу сабаб инсонпарварликни фақат жазо тайинлаш босқичига тегишли принцип сифатида қараш унинг замонавий жиноят-ҳуқуқий сиёсатдаги имкониятларини торайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида инсонга нисбатан давлат органлари қўлайдиган ҳуқуқий таъсир чораларининг мутаносиб ва қонуний мақсадга эришиш учун етарли бўлиши талаби белгиланган [1, 20-м.]. Жиноят кодексининг 7-моддасида эса жиноят содир этган шахсга унинг ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли чора қўлланиши, оғирроқ жазо эса енгилроқ чора билан мақсадга эришиш мумкин бўлмагандагина тайинланиши назарда тутилган [2, 7-м.]. Ушбу нормалар инсонпарварлик принципининг дастлабки босқичи жазонинг зарур ва етарли ҳажмини аниқлаш билан боғлиқлигини кўрсатади.

Бироқ инсонпарварлик суд ҳукми чиқарилиши билан ўз таъсирини тугатмайди. 2024 йил 7 августда қабул қилинган «Пробация тўғрисида»ги ЎРҚ-938-сон қонун инсонпарварликни пробациянинг асосий принципларидан бири сифатида мустаҳкамлаб, пробация назоратидаги шахс билан индивидуал ишлаш, унинг ижтимоий-психологик қиёфасини шакллантириш, ижтимоий мослаштириш дастурини ишлаб чиқиш, таълим, касб, ишга жойлашиш, тиббий ва психологик ёрдам кўрсатиш каби механизмларни назарда тутди [3]. Мазкур ҳолат инсонпарварликнинг ҳуқуқий мазмуни жазони тайинлашдан кейин ҳам давом этишини кўрсатади.

А.И. Тошпулатов инсонпарварлик принципини жиноят ҳуқуқида жиноят содир этган шахсга нисбатан оддий енгиллик сифатида эмас, балки шахс, жамият ва давлат манфаатларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ комплекс принцип сифатида баҳолайди [4, Б. 109–120]. Бизнингча, мазкур назарий позицияни кейинги институционал босқичларга нисбатан ривожлантириш зарур. Яъни инсонпарварликнинг мазмуни суднинг жазо тайинлаш фаолияти билангина чекланмай, жазони ижро этиш, пробация назорати ва шахснинг жамиятга барқарор қайтиш жараёнларида ҳам ифодаланиши лозим.

Шу нуқтаи назардан инсонпарварлик принципини амалга оширишнинг уч босқичли узлуксиз моделини таклиф этиш мумкин: жазо тайинлаш - жазони ижро этиш ва пробация - ижтимоий реинтеграция. Биринчи босқичда инсонпарварлик ҳуқуқий таъсирнинг мутаносиблиги, зарурлиги ва етарлилигини таъминлайди. Иккинчи босқичда у шахс қадр-қимматини ҳурмат қилиш, индивидуал ёндашув ва ижтимоий

мослаштириш механизмларида намоён бўлади. Учинчи босқичда эса жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг узоқ муддатли натижаси - шахснинг қонунга итоаткор ижтимоий ҳаётга қайтиш имконияти баҳоланади.

Бу ерда «ахлоқан тузалиш», «ижтимоий мослаштириш» ва «ижтимоий реинтеграция» тушунчаларини бир-биридан фарқлаш муҳим. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 42-моддаси жазонинг мақсадларидан бири сифатида маҳкумни ахлоқан тузатишни белгилайди [2, 42-м.]. «Пробация тўғрисида»ги Қонун эса ижтимоий мослаштиришни шахсга ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва психологик ёрдам кўрсатиш, таълим ва ишга жойлаштиришга кўмаклашиш орқали унинг жамиятда тўлақонли ҳаёт кечиришига қаратилган институционал фаолият сифатида ифодалайди [3]. «Ижтимоий реинтеграция» эса миллий ЖКда жазонинг мустақил мақсади сифатида белгиланмаган бўлиб, у шахснинг қонунга итоаткор ҳаётга барқарор қайтишини тавсифловчи кенгроқ ижтимоий натижавий категория сифатида қўлланиши мумкин.

Ғ. McNeill реабилитацияни фақат психологик ўзгариш билан боғлаш етарли эмаслигини таъкидлаб, ҳуқуқий, ахлоқий ва ижтимоий реабилитация шакллари ҳам ажратади [5, Р. 18–36]. Ушбу ёндашув жиноят содир этган шахснинг қайта жиноятдан воз кечиши кўп омилли жараён эканини кўрсатади. Бироқ, фикримизча, уни Ўзбекистон қонунчилигига механик кўчириш мақсадга мувофиқ эмас. Миллий ҳуқуқ учун қонуннинг ўзида белгиланган «ахлоқан тузалиш» ва «ижтимоий мослаштириш» тушунчалари методологик бошланғич нуқта бўлиши лозим.

Халқаро стандартлар ҳам инсонпарвар муносабатни жазони ижро этиш ва маҳкумнинг келгуси ижтимоий ҳаёти билан боғлайди. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 10-моддаси озодликдан маҳрум қилинган барча шахсларга инсонпарвар муносабатда бўлиш ва уларнинг туғма қадр-қимматини ҳурмат қилишни талаб қилади, пенитенциар тизимнинг муҳим мақсадини эса маҳкумларни тузатиш ва ижтимоий реабилитация қилиш билан боғлайди [6, 10-м.]. БМТ Инсон ҳуқуқлари кўмитаси ҳам пенитенциар тизим фақат ретрибутив хусусиятга эга бўлмаслиги, у маҳкумнинг тузалиши ва ижтимоий реабилитациясига интилиши кераклигини кўрсатган [7].

Нельсон Мандела қоидаларида озодликдан маҳрум қилиш давридан шахс озодликка чиққанидан кейин жамиятга қайта интеграциялашуви, қонунга итоаткор ва мустақил ҳаёт кечириши учун фойдаланиш зарурлиги назарда тутилган [8, 4-қ.]. Бу норма инсонпарварлик принципини жазонинг ижро этилиш шароитларидан ташқари, унинг келгуси ижтимоий натижалари билан ҳам боғлаш мумкинлигини кўрсатади. Шу билан бирга, реинтеграцияни ҳар қандай ҳолатда жазонинг бошқа мақсадларидан устун турадиган мутлақ талаб сифатида талқин қилиш ҳам тўғри эмас.

R. Lawrence Европа инсон ҳуқуқлари суди амалиётида реабилитация принципига мурожаатлар кўпайган бўлса-да, умрбод жазоларни қайта кўриб чиқиш билан боғлиқ ишлардан ташқари, унинг Суд мотивировкасига таъсири нисбатан чекланганлигини қайд этади [9]. Мазкур танқидий нуқтаи назардан келиб чиқиб, инсонпарварликни барча бошқа жиноят-ҳуқуқий мақсадларни автоматик равишда бекор қилувчи «реабилитация устуворлиги» сифатида тушуниш мумкин эмас. У шахснинг ҳуқуқлари билан бир қаторда жабрланувчи манфаати ва жамоат хавфсизлигини ҳам ҳисобга олиши лозим.

Инсонпарварлик принципнинг реал таъсирини баҳолаш учун фақат енгил жазолар сони ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси улушининг камайиши етарли кўрсаткич эмас. Шу сабаб унинг натижадорлигини жазо тайинлашдан олдинги ва жазо тайинлаганидан кейинги босқичларига ажратиб баҳолаш мақсадга мувофиқ. Жазо тайинлашдан олдинги баҳолаш ҳуқуқий чора танланишидан олдин унинг қадр-қимматга мувофиқлиги, мутаносиблиги, зарурлиги, етарлилиги ва енгилроқ чора имкониятини текширишни англатади. Жазо тайинлаганидан кейинги баҳолаш эса чора қўллангандан кейин унинг реал натижаларини ўрганишни назарда тутати.

Жазо тайинлаганидан кейинги баҳолашда тўрт гуруҳ мезонларни ҳисобга олиш мумкин. Биринчиси - ҳуқуқий таъсир ва уни ижро этиш сифати, яъни шахснинг қадр-қиммати ва қонуний ҳуқуқларига риоя этилганлиги. Иккинчиси - индивидуал-ижтимоий натижалар: пробация талабларига риоя қилиш, хулқ-атвордаги ижобий ўзгариш, таълим, касб, меҳнат ва ижтимоий мослашув ҳолати. Учинчиси - жабрланувчи билан боғлиқ натижалар, жумладан зарарнинг қопланиши ва унинг хавфсизлиги. Тўртинчиси жамоат хавфсизлиги натижалари, яъни қайта ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этиш ҳолатлари ва шахснинг қонунга итоаткор ижтимоий ҳаётга барқарор қайтиши.

Ушбу ёндашувнинг аҳамияти инсонпарварликни фақат ҳуқуқий декларация ёки «енгил жазо» кўрсаткичи сифатида эмас, балки жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бутун даври ва унинг натижаларини қамраб олувчи мезон сифатида баҳолаш имкониятидир.

Шундай қилиб, жиноят-ҳуқуқий сиёсатда инсонпарварликни амалга оширишни баҳолашда ахлоқан тузалиш жиноят-ҳуқуқий мақсад, ижтимоий мослаштириш институционал механизм, ижтимоий реинтеграция эса узоқ муддатли ижтимоий натижа сифатида фарқланиши мақсадга мувофиқ. Инсонпарвар жиноят-ҳуқуқий сиёсатнинг мезони шахсни озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларни механик камайитириш эмас, балки қонуний мақсадга инсон ҳуқуқларига ортиқча аралашмасдан, бир вақтнинг ўзида шахснинг тузалиши, жабрланувчининг ҳимояси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаган ҳолда эришишдан иборат.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 2023 йил 30 апрелдаги умумхалқ референдумида қабул қилинган янги таҳрир.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 1994 йил 22 сентябрь. Амалдаги таҳрир.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 7 августдаги ЎРҚ-938-сон «Пробация тўғрисида»ги Қонуни.
4. Тошпулатов А.И. Жиноят-ҳуқуқий принциплар: назария ва амалиёт: монография / масъул муҳаррир Қ.Р. Абдурасулова. – Тошкент: ТДЮУ, 2023. – 224 б.
5. McNeill F. Four Forms of 'Offender' Rehabilitation: Towards an Interdisciplinary Perspective // Legal and Criminological Psychology. – 2012. – Vol. 17. – Issue 1. – P. 18–36. – DOI: 10.1111/j.2044-8333.2011.02039.x.
6. International Covenant on Civil and Political Rights. Adopted by UN General Assembly Resolution 2200A (XXI), 16 December 1966. – Art. 10.

7. UN Human Rights Committee. General Comment No. 21: Article 10 – Humane Treatment of Persons Deprived of Their Liberty. – 1992.
8. United Nations Standard Minimum Rules for the Treatment of Prisoners (Nelson Mandela Rules). UN General Assembly Resolution 70/175, 17 December 2015.
9. Lawrence R. A Positive Right to Rehabilitation? An Examination of the ‘Principle of Rehabilitation’ in the Caselaw of the European Court of Human Rights // Human Rights Law Review. – 2024. – Vol. 24. – Issue 2. – Article ngae004. – DOI: 10.1093/hrlr/ngae004.